

**ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

магистратура босқич талабаси

Қобулова Сетора Музаффар қизи

E-mail: setorakobulova@gmail.com

Телефон: +998(99)521-73-01

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистонда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш механизмларига қаратилган бўлиб, бугунги кунда олиб борилаётган ислохотларда хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштироки, юртимиздаги сиёсий жараёнларнинг муҳим иштирокчиси эканлиги ёритилган. Хусусан, хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги фаолиятининг асосий омиллари, шунингдек, қонунчилик ташаббуслари ва ислохотларда, ҳамда аёлларни давлат тузилмалари ва халқаро ташкилотлардаги фаолиятларида гендер тенглиги таҳлил қилинди. Ушбу мавзунини тадқиқ этишда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятда гендер тенглигини таъминлаш, маънавий ва интеллектуал қўллаб-қувватлаш, давлат бошқаруви ва сиёсатида иштирок этиши, ҳамда уларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган механизмлари очиқ берилган. Шунингдек, хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтириш ва қарор қабул қилиш жараёнларида уларнинг фаол иштирокчини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Хотин-қизлар, механизм, қонунчилик, давлат бошқаруви, сиёсий иштирок, гендер тенглиги, статистика, таълим, фаоллик.

**МЕХАНИЗМЫ ПОВЫШЕНИЯ АКТИВНОСТИ ЖЕНЩИН В
УЗБЕКИСТАНЕ**

Студент магистратуры Национального Университета

Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Қобулова Сетора Музаффар қизи

E-mail: setorakobulova@gmail.com

Телефон: +998(99)521-73-01

Аннотация: Данная статья посвящена механизмам повышения активности женщин в Узбекистане, в ней освещается активное участие женщин в государственной и общественной жизни в рамках проводимых реформ, а также их важная роль в политических процессах страны. В частности, рассматриваются основные факторы деятельности женщин в политической, экономической и социальной сферах, а также их участие в законодательных инициативах и реформах. Отдельное внимание уделено вопросам гендерного равенства в их деятельности в государственных структурах и международных организациях. В ходе исследования данной темы раскрыты механизмы, способствующие обеспечению гендерного равенства женщин в обществе, их духовной и интеллектуальной поддержке, а также их участию в государственном управлении и политике в Узбекистане. Кроме того, акцент сделан на расширении возможностей женщин и обеспечении их активного участия в процессах принятия решений.

Ключевые слова: Женщины, механизмы, законодательство, государственное управление, политическое участие, гендерное равенство, статистика, образование, активность.

MECHANISMS FOR INCREASING WOMEN'S ACTIVITY IN UZBEKISTAN

Master's student at the National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulug'bek

Kobulova Setora Muzaffar qizi

E-mail: setorakobulova@gmail.com

Telephone number: +998(99)521-73-01

Abstract: This article focuses on mechanisms for increasing women's activism in Uzbekistan, highlighting women's active participation in state and public life as part of ongoing reforms, as well as their important role in the country's political processes. In particular, the main factors of women's activity in the political, economic and social spheres, as well as their participation in legislative initiatives and reforms, are examined. Special attention is paid to the issues of gender equality in their activities in state structures and international organizations. The study of this topic reveals the mechanisms that promote gender equality of women in society, their spiritual and intellectual support, and their participation in public

administration and politics in Uzbekistan. In addition, emphasis is placed on empowering women and ensuring their active participation in decision-making processes.

Key words: Women, mechanisms, legislation, public administration, political participation, gender equality, statistics, education, activism.

Кириш

Хозирги замонавий жамиятда хотин-қизлар фаоллигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев қуйидагиларни таъкидлаган: “Оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, аёлларнинг турмуш шароитларини ҳисобга олган ҳолда иш билан таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича давлат сиёсатини фаол давом эттиришни биз ўзимизнинг энг муҳим вазифамиз, деб биламиз.”. [Ш. М. Мирзиёев, 2018, 39 б.] Мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда фаоллигини ошириш, иқтисодий ривожланишини рағбатлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим ва малакасини ошириш, касб-ҳунар эгаллаш ва уларни иш билан таъминлаш, ҳамда уларни фуқаролик жамиятини барпо этишда имкониятларини кенгайтиришга қаратилган қонунлар ва давлат дастурлари амалга оширилиб келмоқда.

Жамиятда аёлларни шахсий ривожланиши учун, уларга тенг имкониятларни яратиш орқали хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга кенгрок жалб қилиш нафақат уларнинг ўз ҳаётидаги аҳамиятини оширади, балки умумий миллий тараққиёт учун ҳам мустаҳкам пойдевор яратади.

Асосий қисм

Бугунги кунда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш мамлакатимиз тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида қаралмоқда. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг барча жабҳаларда фаол иштирокини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимизнинг 2021 йил 5-мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-5020-сон билан қарори тасдиқланди. Унга кўра: Мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг таълим ва касбий

кўникмалар олиши ҳамда бандлигини таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, жойларда «Аёллар дафтари»ни шакллантириш ва унга киритилган хотин-қизлар муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишларини тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш борасидаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш мақсадлари белгилаб қўйилган.[2]

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги фаолияти сўнгги йилларда катта аҳамият касб этиб, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги иштироки кучайиб бормоқда. Бу жараён мамлакат раҳбарияти томонидан гендер тенглигини таъминлаш, аёлларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотлар доирасида амалга оширилмоқда.

Шунингдек, давлатимиз Конституциясининг 58-моддасида “Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар. Давлат хотин-қизлар ва эркекларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди” мустаҳкамлаб қўйилган.[3]

2019 йил 2 сентябрда “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган [4]. Ушбу қонун гендер тенглигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган ва бу соҳадаги сиёсатни қонуний асосга кўтарди. Ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ҳам қабул қилинган. Ушбу қонуннинг 5-моддасига асосан “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари” тўғрисида бўлиб;

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги гендер сиёсатини, давлат дастурларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш;
- хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

-жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш;

-хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш учун самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш;

-хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилишига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш;

-тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш мақсадида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамкорлигини таъминлаши асослаб қўйилган.[5]

Барчамизга маълумки, “Инсон-Оила-Жамият-Давлат” деган тушунча ва кадриятлар ҳар бир мамлакатда ва ҳар бир халқ ҳаётида муҳим ўрин тутди. Бунда жамиятнинг бирламчи ва асосий бўғини бўлмиш оилани эса аёлларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Давлатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов айтганларидек, “Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўтабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир. Оқила, гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар. Онани эъзозлаш - бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий кадрият даражасига кўтарилган фазилат. Аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанамизни эъзозлаган бўламиз”.[6]

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2021 йил 21 майдаги “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги СҚ-297-IV-сон билан тасдиқланган қарори ҳам хотин-қизларни давлат бошқарувида уларни тенг шароитда иштирок этиши ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган. Мазкур қарорнинг IV-боб “Гендер стратегиясини амалга оширишнинг устувор йўналишлари” II-бўлими “Давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш” тўғрисида бўлиб, унда: “Давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур”лиги белгиланган, яъни:

- давлат органларининг раҳбарлик лавозимларига танловлар асосида тайинлаш механизмларини жорий қилиш орқали хотин-қизларнинг раҳбарлик лавозимларидаги улушини босқичма-босқич ошириб бориш;
- жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал қилишда ва долзарб аҳамиятга эга бўлган қарорларни қабул қилиш ҳамда уларни амалга оширишда хотин-қизларнинг иштирокини кучайтириш;
- хотин-қизларнинг халқаро миқёсда давлат ҳамда ўзи фаолият юритаётган давлат органи ва ташкилоти номидан вакил бўлиш ҳамда халқаро ташкилотлар ишида иштирок этиш имкониятини кенгайтириш;
- раҳбарлик лавозимида фаолият юритаётган хотин-қизлар томонидан аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни бевосита ҳудудга чиқиб ҳал қилиш амалиётини кенгайтириш;
- маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг раҳбарлик лавозимларига хотин-қизларни тайинлаш амалиётини кенгайтириш орқали ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир ишларда уларнинг фаоллигини ошириш;
- илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида давлат органлари ва ташкилотларида лавозимда кўтарилиш масалалари бўйича тенг имкониятларни яратишга қаратилган гендер тенгликни таъминлаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига раҳбарлик лавозимларига тавсия этилган хотин-қизларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида малакасини ошириш бўйича тизимли тадбирларни белгилаш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш;
- давлат органлари ва ташкилотларида тегишли лавозимларда фаолият юритаётган хотин-қизлар ва эркаклар сонининг нисбати тўғрисида маълумотлар юритиш;
- комплекс гендер ёндашув асосида давлат органлари ҳамда ташкилотларида гендер аудитларни ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, унинг тартиб-тамойилларини ишлаб чиқиш режалаштирилган [7].

Ўзбекистон Республикаси 2019 йилда қабул қилинган “Сайлов Қодекси” да ҳам депутат номзодлигига аёлларнинг улушини 40 фоизини ташкил этиш ва бир мандатли сайлов округи бўйича партия рўйхати асосида сиёсий партиялардан кўрсатилиши белгиланган [8].

Хотин-қизларнинг таълим олиши, уларни касбга йўналтириш ва малакасини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 августдаги “Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг тўлов-контракт асосида таълим олиши учун таълим кредитлари ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қонуни қабул қилинган. Айти шу қонуннинг низомида хотин-қизларга таълим кредитининг асосий қарзи кредит олувчи томонидан таълим ташкилотида таълимнинг тегишли тури бўйича расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилиши белгиланган [9].

Ўзбекистонда 2023 йил ҳолати аёлларнинг парламентаги улуши 34,6 фоизни ташкил қилган бўлса, мазкур кўрсаткич 1995 йилда эса 6,0 фоизни ташкил этган. Ўзбекистонда парламент сайловлари учун 2004 йилда 30 фоизлик гендер квотаси жорий қилинган бўлса, 2023 йилдан эса ушбу кўрсаткич 40 фоизга оширилди [10].

Юртимизда хотин-қизлар ҳуқуқлари масалалари бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинмоқда ва аёллар ҳуқуқлари бўйича дастурлар, лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жамоат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотларида аёлларнинг ўрни мустаҳкамланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Ҳозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки фаол ташаббускор бўлмоғлиги шарт”. Бундан келиб чиқадики, Ўзбекистонда хотин-қизларга яратилаётган имкониятлар ва ислоҳатлар уларни фаоллигини оширишга қаратилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳатлар, хотин-қизлар фаоллигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Аёлларни давлат бошқарувида фаол иштирок этиши, турли соҳада ўзларини намоён эта олиши, уларни жамият ҳаётида нуфузини ошириш, ҳамда ҳуқуқларини таъминлаш, балки умумий давлат ривожланишига ҳисса қўшиш учун ҳам катта имкониятлар яратиб берилмоқда.

Жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда куйидаги энг асосий мезонларни аниқлаш энг муҳим жиҳат ҳисобланади, яъни, мақсадлилиқ, меҳнатсеварлиқ, шижоатлилиқ, ташаббускорлиқ, иродалилиқ, тўғрилиқ ва ҳалоллиқ, садоқатлилиқ, юксак масъулиятлиқ ва шахсий жавобгарлиқни теран ҳис қилиш, мустаҳкам соғлиқ, соғлом турмуш тарзи ва ҳ. Манашу мезонлар мужассамлашган ҳолда фаол аёллар сафини кенгайтириш асосий вазифалардан бири. Жорий ислоҳотлар уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини янада ошириш учун хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: O‘zbekiston, 2018. – 39-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори (2021) “Хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021-йил 5-март ПҚ-5020-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.”Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази.Тошкент.2023 йил 35-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2019) “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида” 2019 йил 2-сентябрь ЎРҚ-562-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2019) “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” 2019 йил 2-сентябрь ЎРҚ-561-сон.
6. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. А. Каримов нурқлари. https://old.adliya.uz/uz/library/own_publications/89276/?INVERT=Y
7. <https://lex.uz/ru/docs/5466673>
8. <https://www.lex.uz/acts/4386848>
9. <https://lex.uz/docs/6163025>
10. <https://www.equalfuture-eurasia.org/>